

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ  
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ДОНИЁРОВ ШУХРАТЖОН НИМАТУЛЛАЕВИЧ**

**СУРУНКАЛИ КОРОНАР СИНДРОМ МАЖУД БЕМОРЛАРДА  
РЕВАСКУЛЯРИЗАЦИЯДАН КЕЙИНГИ ЧАП ҚОРИНЧАНИНГ  
МОРФОФУНКЦИОНАЛ ВА ДЕФОРМАЦИОН  
ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ДИНАМИКАСИ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Содержание автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Дониёров Шухратжон Ниматуллаевич**

Сурункали коронар синдром мавжуд беморларда ревазуляризациядан кейинги чап қоринчанинг морфофункционал ва деформацион хусусиятларининг динамикаси ..... 5

**Дониёров Шухратжон Ниматуллаевич**

Динамика морфофункциональных и деформационных свойств левого желудочка у больных с хроническим коронарным синдромом после ревазуляризации..... 27

**Doniyorov Shukhratjon Nimatullaevich**

Dynamics of morphofunctional and deformation properties of the left ventricle in patients with chronical coronary syndrome after revascularization ..... 50

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published work ..... 53

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ  
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ДОНИЁРОВ ШУХРАТЖОН НИМАТУЛЛАЕВИЧ**

**СУРУНКАЛИ КОРОНАР СИНДРОМ МАЖУД БЕМОРЛАРДА  
РЕВАСКУЛЯРИЗАЦИЯДАН КЕЙИНГИ ЧАП ҚОРИНЧАНИНГ  
МОРФОФУНКЦИОНАЛ ВА ДЕФОРМАЦИОН  
ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ДИНАМИКАСИ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.1.PHD/Tib1662 рақам рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисолаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида [www.cardiocenter.uz](http://www.cardiocenter.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Бекметова Феруза Матсапаевна</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Камилова Умида Кабировна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Хадзегова Алла Блаловна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент Педиатрия тиббиёт институти</b>

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100052, Тошкент ш., Осиё кўчаси 4, Тел.: (+99871) 234-16-67; e-mail: [cardiocenter@mail.ru](mailto:cardiocenter@mail.ru)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Осиё кўчаси 4, Тел.: (+99871) 234-16-67.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Д.Курбанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

**Г.У.Муллабаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлар доктори

**А.Б.Шек**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) дунё миқёсида энг кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичи бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг статистик маълумотларига кўра «... бутун дунё мамлакатларида ўлимнинг асосий сабаби юрак-қон томир тизими касалликлари ташкил этади ва бу кўрсаткич иқтисодиёти паст ва ўрта мамлакатларда 75% дан юқори кўрсаткични ташкил этади...»<sup>1</sup>. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, Ўзбекистон ҳам юрак-қон томир тизими касалликлари ривожланиши юқори ҳавф мамлакатлари қаторига киради.

Жаҳонда сурункали коронар синдром (СКС) мавжуд беморларда чап қоринчанинг морфофункционал ва деформацион хусусиятларини баҳолаш, коронар атеросклероз ривожланиш маркерларини аниқлаш, касалликни эрта босқичларда ташхислаш; беморларни ҳавф омиллари бўйича стратификация қилиш; оптимал даво тури ва касалликни эрта босқичларда ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқиш долзарблигича қолмоқда. Шулар билан бир қаторда, СКС билан оғриган беморларда оптимал даво ва реваскуляризациядан кейин чап қоринчанинг морфофункционал ва деформацион хусусиятларини таҳлил қилиш, тери орқали стентлаш амалиёти салбий оқибатларининг эрта баҳолаш усулларининг такомиллаштириш, касаллик ривожланиши ва кечилишини башоратлаш, ҳамда ҳавф стратификацияларига асосланган даволаш услубларининг ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган кардиологик ва кардиожарроҳлик хизматлари сифатини яхшилаш, ҳудудларда юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва самарали даволаш ишларининг кенгайтириш, беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни зарур дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш бўйича кенг чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга бағишланган бешта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегиясида шундай вазифалар белгиланган «... аҳолига тиббий ва ижтимоий хизматларнинг мавжудлиги ва сифатини оширишга, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган соғлиқни-сақлаш соҳасининг, биринчи навбатда бирламчи тиббий ёрдам, шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдамни янада ислоҳ қилиш»<sup>2</sup>. Хусусан, юрак қон-томир касалликларида тиббий ёрдам кўрсатишни янги босқичга олиб чиқиш, даволаш ва ҳаёт сифатини оптималлаштириш учун инновацион технологияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> ЖССТ статистик таҳлили, 2021 й

<sup>2</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ–5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ–5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2022-йил 26-январдаги ПҚ–103-сон «Юрак-қон томир касалликларини олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга мувофиқ, ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада ўз хиссасини кўшади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Турли мамлакатларда сурункали коронар синдром мавжуд беморларда коронар атеросклероз ноинвазив ташхислаш клиник муаммо бўлиб, беморларга бир қанча провокацион тестлар ўтказилишига қарамасдан, коронароангиографияга юборилган беморларнинг 50%идагина коронар атеросклерознинг гемодинамик аҳамиятга эга бўлмаган стенози ёки нообструктив типда эканлиги аниқланади. 5721 та беморни ўз ичига олган жами 9 тадқиқотнинг мета-таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, глобал бўйлама деформация (GLS) кўрсаткичи чап қоринча қон отиш фракциясига қараганда барча сабаблардан ўлим ҳавфини кўрсатувчи муҳим предиктор бўлиб ҳисобланади (Катрин Шимански ва бошқ. 2014). Шунингдек 793 беморни ўз ичига олган FLEMENGHO йирик эпидемиологик тадқиқотида GLSнинг прогностик аҳамияти ўрганилган бўлиб, GLS абсолют кўрсаткичининг пасайиши билан барча ўлим ҳавфининг ортишини кузатиш мумкин. Юрак ишемик касаллигининг стабил шакли билан касалланган беморларда коронар қон томирлар шикастаниш сони ошиб бориши билан GLS кўрсаткичининг пасайишини аниқлашди, шунингдек GLS ва ЧҚ ҚОФ ўртасида мусбат корреляцион боғлиқликни аниқлашди (H. Radwan and E. Hussein, 2017).

Бундан ташқари, иккита тадқиқотда тинч ҳолатда ЧҚнинг глобал/маҳаллий қисқарувчанлик бузилишларисиз мавжуд беморларда GLS кўрсаткичи таҳлил қилинди ва беморлар кейинги босқичда коронароангиография текширувига йўналтирилди. Биринчи тадқиқот GLS ва SYNTAX кўрсаткичлари ўртасида тесқари коррелятив боғлиқликни аниқладилар ва GLS кўрсаткичининг >-13,95% бўлиши юқори ҳавф даражали коронар атеросклерозни демонстрация қилди (Вреттос ва бошқ. 2016й); иккинчи тадқиқотда эса ЮИКнинг кўп қон томрли шикастланиши нормал қисқарувчанлик бўлишига қарамасдан GLS ва радиал стрейн кўрсаткичини пасайиши кузатилишини аниқладилар (Се Мю ва бошқ. 2016 й).

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатда замонавий кардиологиянинг энг муҳим вазифаси сурункали коронар синдром мавжуд беморларда коронар атеросклероз тарқалиши ва оғирлик даражасини ноинвазив ташхислаш, коронар атеросклерознинг янги прогностик маркерлари ва атеросклероз ривожланиш даражасига қараб, чап қоринчанинг деформацион хусусиятларининг ўзгариши, беморларга оптимал даво турини танлаш ва реваскуляризациянинг прогностик мезонларини ишлаб чиқишдир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида ПЗЗ-2017-0912920 «Юрак ишемик касаллигини стабил шакли билан ҳасталанган беморларда жаррохлик реваскуляризация усулларини юқори технологик визуализация усулларини амалга оширилган тарзда оптималлаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилди (2018-2020йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** сурункали коронар синдром билан оғриган беморларда чап қоринчанинг деформацион хусусиятларига ва коронар қон томирларнинг атеросклеротик зарарланиш даражасига кўра, миокард реваскуляризациясини оптималлаштириш ва хавф омилларини стратификация қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сурункали коронар синдром билан оғриган беморларда юқори технологик спекл-трекинг ЭхоКГ усули ёрдамида ЧҚнинг ишемик шикастланиш зоналари ва деформацион хусусиятларини биргаликда аниқлаш имкониятларини баҳолаш;

сурункали коронар синдром билан оғриган беморларда ЧҚнинг морфофункционал ва деформацион хусусиятларини коронар атеросклерознинг оғирлик даражаси билан боғлиқлигини аниқлаш;

сурункали коронар синдром билан оғриган беморларда тери орқали стентлаш самарадорлигини спекл-трекинг ЭХОКГ усули ёрдамида баҳолаш;

сурункали коронар синдром билан оғриган беморларда спекл-трекинг ЭхоКГ усули ёрдамида, коронар атеросклероз ривожланишининг янги прогностик белгиларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий–амалий тиббиёт марказида, сурункали коронар синдром I ва VI клиник вариантлари (ESC, 2019) ёки барқарор зўриқиш стенокардияси III-IV ФС ташхиси билан даволанган 38 ёшдан 74 ёшгача бўлган жами 136 та беморлар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморларнинг анамнез, физикал текширувлари, қоннинг лаборатор таҳлиллари, жумладан, коагулограмма ва липид спектр натижалари, стандарт трансторакал ЭхоКГ, спекл-трекинг ЭхоКГ усули, стресс-ЭхоКГ маълумотлари, ангиографик маълумотлар олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, функционал, инструментал, биокимёвий ва ангиографик текширув усуллари, шунингдек, статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

юқори технологик ноинвазив ташхислаш усули – спекл-трекинг эхокардиография ёрдамида сурункали коронар синдром билан оғриган беморларда ревазуляризациядан олдин ва кейин чап қоринчанинг бўйлама деформацияси аниқланган, шунингдек, бу кўрсаткичларни миокард қисқарувчанлик функциясини диагностик баҳолашнинг стандарт усуллари билан таққосланган;

илк бор сурункали коронар синдром билан оғриган беморларда миокард ревазуляризациясидан олдин ва кейин ЧҚнинг деформацион хусусиятлари баҳоланган;

коронар атеросклероз ташхисида ЧҚ миокардининг бўйлама деформациясининг предиктор аҳамияти спекл-трекинг ЭхоКГ усули ёрдамида аниқланган;

сурункали коронар синдромда коронар артерияларда атеросклеротик шикастаниш даражаси турли бўлган беморларда ЧҚнинг глобал бўйлама деформация кўрсаткичларининг референс қийматлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот асосида сурункали коронар синдром мавжуд беморларда чап қоринча глобал бўйлама деформацион хусусиятларини юқори технологик ноинвазив ташхислаш усули спекл-трекинг ЭхоКГ ёрдамида коронар атеросклероз оғирлик ва тарқалиш даражаси аниқлаш маркерлари ишлаб чиқилган;

ноинвазив юқори технологик ташхислаш усули спекл-трекинг ЭхоКГ ёрдамида сурункали коронар синдром билан оғриган беморларда ҳавф стратификацияси ва оптимал даво турини аниқлаш бўйича алгоритм таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усулларнинг тўғрилиги, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарли даражада эканлиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник, аналитик, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларида сурункали коронар синдром мавжуд беморларда чап қоринчанинг морфофункционал ва деформацион хусусиятларининг динамикасини ревазуляризациядан сўнг прогноз қилиш, такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, СКС сақланган қон отиш фракциясига эга бўлган беморларда коронар атеросклерознинг оғирлик ва тарқалиш даражаси ва чап қоринчанинг глобал бўйлама деформация (GLS), деформация тезлиги (SR) ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланади, бу эса GLS

ва SR кўрсаткичларининг коронар атеросклероз ривожланиш маркери сифатидаги ролини асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, СКС сақланган қон отиш фракциясига эга бўлган беморларда коронар атеросклероз тарқалиш ва оғирлик даражаси, шунингдек, миокардининг сублиник дисфункциясини юқори технологик ноинвазив ташхислаш усули спекл-трекинг ЭхоКГ ёрдамида чап қоринча бўйлама деформацияси ва деформация тезлигини аниқлаш, бу кўрсаткичлар натижасида беморларни ҳавф стратификациялари бўйича гуруҳларга ажратиш, уларга оптимал даво усулини танлаш, даволаш самарадорлигини баҳолаш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурункали коронар синдром мавжуд беморларда юқори технологик спекл-трекинг эхокардиографиянинг кўлланилиши натижасида:

сурункали коронар синдром билан оғриган беморларда коронар атеросклероз даражасини ноинвазив усул орқали ташхислаш бўйича илмий тадқиқотлар натижалари асосида ишлаб чиқилган «Юрак қон томир касалликларини ташхислашда спекл-трекинг эхокардиографиянинг имкониятлари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 3 мартдаги 8 н-р/232 сонли маълумотномаси). Ушбу кўлланма сурункали коронар синдром мавжуд беморларда коронар атеросклероз даражасини эрта даврларда ноинвазив ташхислаш имкониятини беради.

Сурункали коронар синдром мавжуд беморларда чап қоринчанинг морфофункционал ва деформацин хусусиятларининг динамикаси бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий – амалий тиббиёт марказининг Қарши ва Андижон вилоятлари филиалларининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 26 октябрдаги 8п–з/576–сон хулосаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши СКС мавжуд беморларида коронар атеросклероз эрта ташхислаш, касалликнинг клиник кечиши ва асоратлари ривожланиш ҳавфини ўз вақтида баҳолаш, касаллик профилактикаси ва даволашга самарали ёндашув, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, сурункали коронар синдром кузатилган беморларда даволашга дифференциацияланган ёндашув билан стратификация ҳавфи ҳамда диагностика самарадорлигини ошириш учун даволашга кетадиган маблағни 20% га тежаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали коронар синдром патогенези, клиник кечишининг ўзига хос хусусиятлари ва реваскуляризациянинг аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида Европа кадиологлар жамияти томонидан 2019 йилда киритилган сурункали коронар синдром тушунчаси, патогенетик механизмлари, клиник кўринишлари, реваскуляризациянинг аҳамияти бўйича материаллар келтирилган адабиётлар шарҳи ёритилади, шунингдек тери орқали стентлаш, оптимал дори терапия ва аорта коронар шунтлаш амалиётлари ўртасидаги афзалликлар ва камчиликлар, касалликнинг клиник кечишидан, ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, рандомизирланган клиник таҳлиллар ва мета-таҳлиллар орқали солиштириб баён этилган. Коронар атеросклерознинг ривожланиши ва кечиши билан боғлиқ ҳолда чап қоринчадаги морфофункционал ўзгаришларнинг хусусиятлари бандида коронар атеросклероз ривожланиши, уларни ноинвазив ташхислаш усуллари, ишемик каскад механизми келтириб ўтилган. Шунингдек, чап қоринчанинг деформацион хусусиятларини баҳолашда янги перспектив, ноинвазив усул – спекл-трекинг эхокардиографиянинг ўрни ва турли хил юрак қон томир касалликларида қўлланилиши, техникаси, назарий ва амалий концепцияси, клиник аҳамиятлари келтириб ўтилган.

Диссертациясининг «**Сурункали коронар синдром мавжуд беморларда реваскуляризациядан кейинги чап қоринчанинг морфофункционал ва деформацион хусусиятларининг динамикаси материал ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот методологияси ёритилган. Илмий иш мақсадидан келиб чиқиб, клиник текширув учун ҳар икккала жинс вакилларида 38-74 ёшлардаги 2018-2021 йилларда Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий кардиология тиббиёт марказида “Рентген эндоваскуляр бўлими”да стационар даволанган ва “Функционал Диагностика” лабораториясида текширувдан ўтган Сурункали коронар синдром I ва VI клиник турлари (ESC, 2019) ёки барқарор зўриқиш стенокардия III-IV ФС 136 бемор тадқиқотга жалб қилинган. Беморларнинг ўртача ёши  $56,2 \pm 8,2$  ёшни ташкил қилди, СКС нинг ўртача давомийлиги –  $6,4 \pm 4,3$  йил. Тадқиқотдан

чеклаш мезонлари бўлиб қуйидагилар: Ўткир коронар синдромли беморлар (ST+/ST-); ўткир миокард инфаркти ўтказган беморлар (6 ой ичида); ностабил стенокардияли беморлар; кардиомиопатия билан оғриган беморлар (шу жумладан дилатацион, гипертрофик, рестриктив, ўнг қоринчанинг аритмоген дисплазияси); юрак клапан туғма ва орттирилган нуқсонлари (жумладан аортал, митрал ва трикуспидал клапанларинг ўрта оғир ва оғир стеноз/етишмовчилиги); ЧҚ қон отиш фракцияси <50%; Syntax Score шкаласи бўйича >32 балл беморлар; юрак ритми бузилишлари (хилпирок аритмиялар, қамаллар, тез-тез бўлмачалар ва қоринчалар экстраситолияси, қоринчалар ва бўлмачалар тахикардия); юрак туғма нуқсонлари; жисмоний юклама бажара олмайдиган беморлар (таянч-ҳаракат тизими касалликлари ва бошқ.); ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва бронхиал астма; буйрак ва жигар етишмовчилигининг оғир даражалари; Онкологик касалликлар билан хасталанган беморлар (жумладан кимё терапия, нур терапияси олган беморлар); тадқиқотда иштирок этишга беморнинг рози бўлмаслиги ҳисобланади.

Барча беморлар брахиоцефал артерияларнинг ультратовуш текширув, стандарт трансторакал эхокардиография, стресс-эхокардиография, чап қоринча деформацион хусусиятларини баҳолаш учун юқори технологик спекл-трекинг эхокардиография, тўқима доплерографияси билан эхокардиография, электрокардиография, коронарангиография, қонда глюкоза, креатинин, липид спектрини аниқлашни ўз ичига олган қоннинг биокимёвий таҳлили ва клиник текширувдан ўтказилди.

Тадқиқот 3 босқичда амалга оширилди. 1-босқич “Стационар” босқичда барча беморлар умум клиник текширувлар, лаборатор-функционал ташхислаш усуллари, жумладан, трансторакал ЭхоКГ, брахиоцефал артериялар ультратовуш текшируви, стресс-ЭхоКГ, чап қоринча деформацион хусусиятларини баҳолаш учун юқори технологик спекл-трекинг эхокардиография ўтказилди. 2-босқичда барча беморларга коронароангиография (КАГ) текшируви ўтказилди. Беморлар КАГ натижаларига асосланиб асосий (бир, икки, уч ва кўп коронар қон томирли атеросклеротик шикастаниш) ва назорат гуруҳи (гемодинамик аҳамиятга эга бўлмаган коронар артериялар стенози)га ажратилди. Асосий гуруҳдаги барча беморларга тўлиқ муваффақиятли, анатомик ревазуляризация ўтказилди ва ревазуляризациядан кейин дастлабки 48 соат ичида чап қоринчанинг бўйлама деформацион хусусиятлари аниқланди. 3-босқич “Амбулатор” босқичда беморлар ревазуляризациядан 30 кундан кейин чап қоринчанинг деформацион хусусиятлари юқори технологик спекл-трекинг эхокардиография усули орқали баҳоланди. Тадқиқот дизайни 1-расмда келтирилган.



Расм №1. Тадқиқот дизайни

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш ва таҳлил қилиш “Statistica 10.0” дастуридан фойдаланиб, Microsoft Excel 2010 материаллар базасида олиб борилди. Ўртача арифметик (M); ўртача квадратик стандарт оғиш (SD); Медиана (Me), пастки (Q1) ва юқори (Q3) кватрил ҳисоблаб чиқилди.

Икки гуруҳнинг арифметик воситаларини солиштириш учун (назорат ва экспериментал) t-тест Стьюдентдан фойдаланилди. 3 та ва ундан ортиқ гуруҳларни таққослашда таҳлилнинг ANOVA туридан фойдаланилди.

Сифат белгилари ўртасидаги ҳаққонийлигини таҳлил қилиш учун  $\chi^2$  критериясидан фойдаланилди.

Фарқлар  $p < 0,05$  га тенг бўлганда ҳаққоний деб ҳисобланди. Ўрганилаётган кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик корреляция таҳлили натижалари билан Пирсон (r) ёки Спирмен (R) корреляция коэффициентини ҳисоблаш ва кейинчалик унинг аҳамиятини t мезони бўйича аниқлаш билан баҳоланди.

Диссертациянинг «Сурункали коронар синдром мавжуд беморларда реваскуляризациядан кейинги чап қоринчанинг морфофункционал ва деформацион хусусиятларининг динамикаси шахсий тадқиқот натижалари»нинг 3.1. Ўрганилган гуруҳлардаги зарарланган коронар қон томирлар сонига қараб ЧҚ миокард ишемия зоналарини аниқлашда стресс-экокардиографиянинг натижалари деб номланган бобида миокард ишемиясини аниқлашда стресс ЭхоКГ натижалари келтирилган бўлиб, гемодинамик аҳамиятга эга бўлмаган 36 беморда стресс-эхокардиография текшируви ўтказилганда 4 та беморда синама мусбат натижани ташкил этди. Яъни 2 (5,55%) беморда ЭхоКГ маҳаллий қисқарувчанлик бузилишлари (МКБ), 1 (2,78%) беморда ЭКГ да ишемик ўзгариш ва яна 1 (2,78%) беморда политоп қоринчалар экстрасистолияси аниқланди. Қолган 88,8% беморда эса

манфий натижа аниқланди. Ишемиянинг қолган критериялари бу гуруҳда аниқланмади (жадвал 1).

**Жадвал 1**

**Гемодинамик аҳамиятга эга бўлмаган коронар қон томирлар зарарланиши аниқланган гуруҳда стресс-ЭхоКГ кўрсаткичлари (n=36)**

Кўрсаткичлар	Ходисалар сони, n	%
ЭКГ ишемиянинг пайдо бўлиши	1	2,78%
Оғриқ пайдо булиши	0	0%
ЭхоКГда МҚБ пайдо бўлиши	2	5,55%
Ишемия ЭКГ+ МҚБ	0	0%
Ишемиянинг объектив белгиларисиз оғриқнинг пайдо бўлиши	0	0%
Манфий тест	32	88,8%
Қоринчалар аритмиялари	1	2,78%
Умумий	4	11,11%

Изоҳ: МҚБ – ЭхоКГда маҳаллий қисқарувчанлик бузилишлари

Коронар артерияларнинг бир томирли атеросклеротик зарарланиш бўлган беморларда стресс-эхокардиографияни кўрсаткичларини таҳлил қилинганда, ЭхоКГда МҚБ 52,8% беморда, кейинги ўринларда ЭКГда ишемик ўзгаришларнинг пайдо бўлиши 44,4% ни тақил этди, 38,9% беморда эса ЭКГда ишемик ўзгаришлар + ЭхоКГда МҚБ кузатилди. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, 6 (16,67%) беморда синама манфий, фақатгина 1 (2,8%) беморда эса ҳеч қандай объектив белгиларисиз оғриқ пайдо бўлди. Умумий ходисалар сони 61 ни ташкил қилди (жадвал 2.).

**Жадвал 2**

**Бир коронар қон томирли атеросклеротик зарарланиш аниқланган гуруҳда стресс-эхокардиографиянинг кўрсаткичлари (n=36)**

Кўрсаткичлар	Ходисалар сони, n	%
ЭКГ ишемиянинг пайдо бўлиши	16	44,4%
Оғриқ пайдо булиши	5	13,9%
ЭхоКГда МҚБ пайдо бўлиши	19	52,8%
Ишемия ЭКГ+ МҚБ	14	38,9%
Ишемиянинг объектив белгиларисиз оғриқнинг пайдо бўлиши	1	2,8%
Манфий тест	6	16,67%
Қоринчалар аритмияси	0	0
Умумий	61	

Изоҳ: МҚБ – ЭхоКГда маҳаллий қисқарувчанлик бузилишлари

Юқоридаги гуруҳдан фарқли ўлароқ, икки коронар қон томирда атеросклеротик зарарланиш аниқланган гуруҳда ЧҚнинг маҳаллий қисқарувчанлик бузилишлари яққол юқори натижаларни ташкил этди (70,6%). ЭКГда ишемик ўзгаришлар ва ЭКГда ишемия+маҳаллий қисқарувчанлик бузилишларини ассоциацияси эса тенг миқдорда ташкил этди (47,1% ва 47,1% тегишли равишда). Бир хил миқдордаги камроқ ҳолатлар эса, ишемиянинг

объектив белгиларисиз оғриқнинг пайдо бўлиши ва манфий тест натижаси ҳисобланди (11,8% ва 11,8%). Бор йўғи бир ҳолатда қоринчалар аритмияси пайдо бўлди. Умумий ҳодисалар сони 78 ни ташкил этди (жадвал 3.).

**Жадвал 3**

**Икки коронар қон томирли атеросклеротик зарарланиш аниқланган гуруҳда стресс-эхокардиографиянинг кўрсаткичлари (n=34)**

Кўрсаткичлар	Ҳодисалар сони, n	%
ЭКГ ишемиянинг пайдо бўлиши	16	47,1%
Оғриқ пайдо булиши	13	38,2%
ЭхоКГда МҚБ пайдо бўлиши	24	70,6%
Ишемия ЭКГ+ МҚБ	16	47,1%
Ишемиянинг объектив белгиларисиз оғриқнинг пайдо бўлиши	4	11,8%
Манфий тест	4	11,8%
Қоринчалар аритмияси	1	2,94%
Умумий	78	

Изоҳ: МҚБ – ЭхоКГда маҳаллий қисқарувчанлик бузилишлари

Коронар қон томирларнинг уч томирли зарарланиш аниқланган гуруҳда ишемиянинг барча мезонлари бўйича миқдор ва сифат жиҳатдан аниқ намоён бўлди. Шундай қилиб, стресс-ЭхоКГда маҳаллий қисқарувчанликни бузилиши максимал кўрсаткичларни ташкил этди (80%), ЭКГда ишемиянинг пайдо бўлиши эса 70% ни ташкил этди. Маҳаллий қисқарувчанлик бузилишлари ва ЭКГ даги асоцирланган ўзгариш эса 56,67% ни; 6,67% беморда эса ҳеч қандай объектив белгиларисиз оғриқ пайдо бўлди, 2 (3,33%) беморда манфий тест аниқланди. Умумий ҳодисалар сони 79 ни ташкил этди (жадвал 4)

**Жадвал 4**

**Уч коронар қон томирли атеросклеротик зарарланиш аниқланган гуруҳда стресс-эхокардиографиянинг кўрсаткичлари (n=30)**

Кўрсаткичлар	Ҳодисалар сони, n	%
ЭКГ ишемиянинг пайдо бўлиши	21	70,0%
Оғриқ пайдо булиши	11	36,67%
ЭхоКГда МҚБ пайдо бўлиши	24	80,0%
Ишемия ЭКГ+ МҚБ	17	56,67%
Ишемиянинг объектив белгиларисиз оғриқнинг пайдо бўлиши	2	6,67%
Манфий тест	2	6,66%
Қоринчалар аритмияси	2	6,67%
Умумий	79	

Изоҳ: МҚБ – ЭхоКГда маҳаллий қисқарувчанлик бузилишлари

**Диссертациянинг 3.2. Коронар артерияларнинг атеросклеротик зарарланиши, каротид ҳавзасининг шикастланишини ультратовуш билан баҳолаш ва чап қоринчанинг морфофункционал хусусиятлари деб номланган бобида тадқиқот учун олинган беморларнинг 36 (26,5%) тасида бир**

коронар қон томирли зарарланиш, 34 (25%) та беморда – икки коронар қон томирли зарарланиш, 30 (22,0%) та беморда – уч томирли зарарланиш аниқланди. Гемодинамик аҳамиятга эга бўлмаган коронар қон томирли зарарланиш гуруҳи эса 36 (26,5%) ни ташил этди.

Тадқиқот учун олинган беморларнинг стандарт эхокардиографик кўрсаткичлари ўрганилганда, асосий гуруҳдаги беморларда ЯДХ гемодинамик аҳамиятга эга бўлмаган гуруҳга нисбатан ишончли равишда юқори кўрсаткичларни ташкил этди ( $p < 0,01$ ). Аналогик ҳолат ЯСХ кўрсаткичлари таҳлил қилинганда ҳам кузатилди ( $p < 0,001$ ). ЧҚ зарб ҳажми бир қон томирли зарарланиш гуруҳида бошқа гуруҳларга нисбатан юқори кўрсаткичларини ташкил этди. ЧҚнинг глобал функцияси ЧҚ ҚОФ бўйича аниланди (Симпсон усули бўйича). ЧҚ ҚОФ барча гуруҳдаги беморларда нормал кўрсаткичларни ташкил этди. ЧҚ ҚОФ назорат гуруҳида энг юқори, бир қон томирли гуруҳда пастроқ, икки қон томир шикастаниш гуруҳида кам ва энг паст кўрсаткич уч коронар қон томир шикастаниш гуруҳида кузатилади ( $p < 0,001$ ). (жадвал 5)

**Жадвал 5**

**СКС мавжуд беморларнинг ЧҚ систолик функцияси кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Гемодинамик аҳамиятга эга бўлмаган КА атеросклеротик зарарланиши (n=36)	Бир КА атеросклеротик зарарланиш (n=36)	Икки КА атеросклеротик зарарланиш (n=34)	Уч ва ундан ортиқ КА атеросклеротик зарарланиш (n=30)
ЯДХ, мл	91,3±14,7	112,7±22,7***	110,8±24,4**	104,6±22,3**
ЯСХ, мл	34,2±7,2	46,8±10,8**	47,6±14,1***	47,0±14,2***
ЗХ, мл	57,0±9,3	66,1±12,3***	63,2±12,2*	57,6±11,6^^
ЧҚ ҚОФ, (%)	62,6±3,9	58,9±4,3**	57,6±6,5***	55,8±6,2***^
Эслатма: *, **, *** - $p < 0,05$ ; $p < 0,01$ ; $p < 0,001$ – ишончилилик КА зарарланиши гемодинамик аҳамиятга эга бўлмаган гуруҳга нисбатан ^, ^^ - $p < 0,05$ ; $p < 0,01$ – ишончилилик бир КА атеросклеротик зарарланиш КА гуруҳга нисбатан				

Гемодинамик аҳамиятга эга бўлмаган назорат гуруҳида атеросклеротик пиллакчалар жойлашишининг ўзига хослиги, иккала томонда умумий уйқу артерияларида бир хил миқдорда жойлашганлиги аниқланди. Патологик жараёнда коронар қон томирларнинг атеросклеротик шикастланишлари ортиши билан, каротид ҳавзада ҳам бу жараён прогрессияланиб боради ва бу икки томирли атеросклеротик зарарланиш гуруҳида бир томирли зарарланиш гуруҳига нисбатан яққол ифодаланади. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, коронар артерияларнинг уч ва ундан ортиқ зарарланиши мавжуд гуруҳда ички уйқу артерияларда атеросклеротик зарарланишнинг юқори кўрсаткичларини ифодалайди (жадвал 6).

**Жадвал 6**

**Каротид ҳавза зарарланишининг ултратовуш миқдорий тавсифи (n=136)**

Пиллакчалар миқдори КА зарарланиш даражаси	Ўнг			Чап		
	УУА	ИУА	ТУА	УУА	ИУА	ТУА

Гемодинамик аҳамиятга эга бўлмаган зарарланиш (n=36)	12 (33,3%)	0 (0%)	0 (0%)	12 (33,3%)	0 (0%)	0 (0%)
Бир томирли зарарланиш (n=36)	10 (27,8%)	4 (11,1%)	1 (2,78%)	11 (30,5%)	3 (8,3%)	1 (2,78%)
Икки томирли зарарланиш (n=34)	16 (47%)	7 (20,6%)	2 (5,9%)	18 (52,9%)	6 (17,6%)	2 (5,9%)
Уч ва ундан кўп томирли зарарланиш (n=30)	12 (40%)	11 (36,67%)	2 (6,67%)	12 (40%)	7 (23,3%)	3 (10%)

Гуруҳлар ўртасидаги асосий стандарт эхокардиографик кўрсаткичлар ўзаро солиштирилганда, коронар қон томирларнинг гемодинамик аҳамиятга эга бўлмаган гуруҳида ишончли фарқ кузатилади (жадвал 7)

**Жадвал 7**

**Гуруҳлар ўртасидаги стандарт эхокардиографик кўрсаткичларнинг қиёсий тавсифлари**

Кўрсаткичлар	Гемодинамик аҳамиятга эга бўлмаган КА зарарланиш	1 КА зарарланиш	2 КА зарарланиш	3 ва ундан ортиқ КА зарарланиш
Аорта, мм	23,8 ± 5,2	24,1 ± 3,7	23,5 ± 3,2	24,9 ± 5,1
ЧБ, мм	33,1 ± 1,8	35,8 ± 3,1**	33,6 ± 2,4^	33,9 ± 2,6^
ҚАТҚ, мм	9,4 ± 1,0	10,8 ± 1,2*	11,4 ± 0,8**	11,5 ± 1,4**
ЧҚ ОДҚ, мм	9,1 ± 0,9	10,1 ± 0,9*	10,4 ± 0,8*	10,6 ± 1,1**
ЯДЎ, мм	47,2 ± 2,2	50,7 ± 3,7**	49,8 ± 3,0*	48,5 ± 4,1^
ЯСЎ, мм	32,4 ± 2,3	35,7 ± 3,8**	34,2 ± 3,3*	32,4 ± 3,1^^ (*)
ЯДХ, мл	91,3 ± 10,9	115,9 ± 25,5***	110,8 ± 24,4**	104,6 ± 22,3*
ЯСХ, мл	34,3 ± 7,2	49,2 ± 13,4***	47,6 ± 14,1***	47,0 ± 18,2***
ЧҚ ЗХ, мл	57,0 ± 6,2	66,1 ± 12,3***	63,2 ± 12,2**	57,6 ± 11,6^^
ЧҚ ҚОФ, %	62,6 ± 3,2	58,4 ± 4,8**	57,6 ± 6,5***	55,8 ± 6,2***
Эслатма: *, **, *** - p<0,05; p<0,01; p<0,001 – ишончлилик КА атеросклеротик зарарланиши гемодинамик аҳамиятга эга бўлмаган гуруҳга нисбатан ^, ^^ - p<0,05; p<0,01 – ишончлилик бир КА атеросклеротик зарарланиш КА гуруҳга нисбатан (*) - p<0,05 – ишончлилик икки КА атеросклеротик зарарланиш КА гуруҳга нисбатан				

ЧҚ диастолик функциясини баҳолашда, яна кутилганидек, гемодинамик аҳамиятга эга бўлмаган коронар қон томирларда атеросклеротик зарарланиш аниқланган гуруҳ ажралиб туради, яъни бу гуруҳда ЧҚДД бошқа гуруҳларга қараганда сезиларли даражада камроқ кузатилади (жадвал 8). Тадқиқот учун олинган гуруҳларда ЧҚДД II ва III даражалари аниқланмади. Трикуспидал

регургитация тезлиги барча беморларда <2,8 м/сек; чап бўлмача индексирланган ҳажми эса <34 мл/м<sup>2</sup> ни ташкил этди. Зарарланган коронар артериялар сони ортиб бориши билан ЧҚ диастолик дисфункциясининг кўрсаткичлари сони, шунингдек фарқларнинг кучи янада аниқроқ тўпланади

**Жадвал 8**

**Гуруҳлар ўртасидаги диастолик функция кўрсаткичларининг қиёсий тавсифлари**

Кўрсаткичлар	Гемодинамик аҳамиятга эга бўлмаган КА зарарланиш	1 КА зарарланиш	2 КА зарарланиш	3 ва ундан ортиқ КА зарарланиш
E, см/сек	64,1 ± 17,2	55,1 ± 12,6*	54,7 ± 14,4*	51,6 ± 14,3**
A, см/сек	69,2 ± 11,5	75,0 ± 11,5*	74,5 ± 17,6	71,3 ± 14,2
E/A	0,98 ± 0,39	0,78 ± 0,36*	0,78 ± 0,32*	0,78 ± 0,35*
e' lat, см/сек	9,85 ± 2,09	8,68 ± 1,63*	8,47 ± 1,74**	8,57 ± 2,05*
e' med, см/сек	7,39 ± 1,24	6,30 ± 0,79***	6,38 ± 0,78**	6,46 ± 0,86**
e' average см/с	8,62 ± 1,65	7,49 ± 1,18**	7,42 ± 1,24***	7,51 ± 1,41**
E/e'	7,35 ± 0,87	7,28 ± 1,33	7,33 ± 1,02	6,86 ± 1,43
ЧҚДД I даража (n)	23 (63,9%)	29 (80,5%)	28 (82,4%)	24 (80%)
Эслатма: *, **, *** - p<0,05; p<0,01; p<0,001 – ишончлилик КА зарарланиши гемодинамик аҳамиятга эга бўлмаган гуруҳга нисбатан				

Диссертациянинг 3.3. Сурункали коронар синдромли беморларда глобал (Global longitudinal strain) ва маҳаллий бўйлама стрейн (Regional longitudinal strain) кўрсаткичларини аниқлаш орқали чап қоринча миокард деформацион хусусиятларини таҳлил қилиш бобида ЧҚ қисқарувчанлик функциясини глобал бўйлама деформация (GLS) ва деформация тезлиги (GLS) орқали баҳолаш объектив натижаларни кўрсатди (8 жадвал).

GLPSS модулли қиймати коронар артериялар атеросклеротик зарарланиш даражасининг ошишига тўғридан-тўғри мутаносиб равишда камаяди, яъни: гемодинамик жиҳатдан аҳамиятсиз бўлган КА стенози аниқланган гуруҳда – |20,99|, КА бир томирли зарарланиши аниқланган гуруҳда – |17,76|, икки томирли зарарланиш аниқланган гуруҳда – |15,77|, уч ва ундан кўр томирли зарарланиш аниқланган гуруҳда Global Longitudinal Strain – |13,14| қамакамайд (9 жадвал).


**Жадвал 9**

**СКС мавжуд беморларнинг VVI кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Гемодинамик аҳамиятга эга бўлмаган КА атеросклеротик зарарланиши (n=36)	Бир КА атеросклеротик зарарланиши (n=36)	Икки КА атеросклеротик зарарланиши (n=34)	Уч ва ундан ортиқ КА атеросклеротик зарарланиши (n=30)
GLS, %	-20,99±0,66	-17,76±0,59**	-15,77±0,57 ***^^	-13,14±1,1*** ^^^ (**)
SR, с <sup>-1</sup>	-2,1±0,1	-1,8±0,1**	-1,5±0,2***^^	-1,3±0,2***


				^^^(**)
ЯДХ, мл	98,6±17,3	115,3±30,4**	111,8±31,7*	101,8±27,3
ҚОФ, %	63,9±3,7	57,8±5,6***	57,3±8,1***	55,0±8,7***
Эслатма: *, **, *** - p<0,05; p<0,01; p<0,001 – ишончлилик КА атеросклеротик зарарланиши гемодинамик аҳамиятга эга бўлмаган гуруҳ га нисбатан ^, ^^ - p<0,05; p<0,01 – ишончлилик бир КА атеросклеротик зарарланиш КА гуруҳ га нисбатан (**) - p<0,01 – ишончлилик икки КА атеросклеротик зарарланиш КА гуруҳ га нисбатан				

Қуйидаги 2- расмда СКС бир коронар қон томирли шикастаниш гуруҳида маҳаллий стрейн кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, биринчи диаграммада ОТА ҳавзасида ўртача маҳаллий стрейн кўрсаткичининг 13,99% га пасайишини кўриш мумкин, ЎКА ва АЎА жабовга сегментларда эса маҳаллий стрейннинг юқори кўрсаткичларини кўриш мумкин (19,9% ва 20,45% тегишли равишда). Ўртада келтирилган диаграммада эса ўнг коронар артерия ҳавзасига жавобгар сегментларда ўртача маҳаллий стрейн кўрсаткичининг 14,34% пасайишини аниқлаш мумкин. ОТА ва АЎА жавобгар сегментарда эса ўртача маҳаллий стрейн кўрсаткичининг юқорилигини аниқлаш мумкин (20,1% ва 19,1% тегишли равишда). Ўнг томондаги диаграммада эса АЎА ҳавзасига жавобгар сегментарда ўртача маҳаллий стрейн кўрсаткичининг 14,3% пасайишини кузатиш мумкин.



**Расм 2. Бир коронар қон томирли атеросклеротик шикастланиш гуруҳида зарарланган қон томирлар ҳавзасида маҳаллий стрейн кўрсаткичлари**

Аналогик ҳолат икки ва уч коронар қон томирли шикастаниш гуруҳида кам кузатилади (3 расм).



**Расм 3. Икки коронар қон томирли атеросклеротик шикастланиш гуруҳида зарарланган қон томирлар ҳавзасида маҳаллий стрейн кўрсаткичлари**

Шундай қилиб, коронар спекл-трекинг эхокардигорафия ёрдамида чап қоринчанинг маҳаллий сегментар деформацион кўрсаткичларини баҳолаш орқали шикастанган коронар қон томир турини тахмин қилиш мумкин.

**Диссертациянинг 3.4. СКС билан касалланган асосий гуруҳдаги беморларнинг коронар қон томирлар шикастланиш даражаси ва SYNTAX Score кўрсаткичлари номли бобида** асосий гуруҳдаги беморлар SYNTAX Score бўйича гуруҳларга ажратилганда, 90 та беморда паст ҳавф гуруҳи (0-22 балл), 10 та беморда ўрта ҳавф гуруҳи (23-32 балл) аниқланди. SYNTAX Score бўйича юқори ҳавф гуруҳли (32 баллдан юқори) беморлар аниқланмади (Калькулятор SYNTAX Score, 2019) (жадвал 10)

Асосий гуруҳ беморларнинг SYNTAX Score бўйича ўртача балли  $12,6 \pm 6,6$  ташкил этди.

**Жадвал 10.**

**Коронар қон томир зарарланиш даражаси ва ЧҚ миокардини қон билан таъминланишини SYNTAX Score шкаласи бўйича коронароангиографик кўрсаткичларнинг хусусиятлари**

SYNTAX Score – ҳавф даражалари ва баллари бўйича тақсимланиши	Асосий гуруҳ n=100	%
Паст 0–22 балл	90	90
Ўрта 23–32 балл	10	10
Юқори >32 балл	0	0
<b>ЧҚ миокардни қон билан таъминланиш типлари:</b>	<b>n=100</b>	<b>%</b>
Ўнг	92	92,0%
Чап	6	6,0%
Балансланган	2	2,0%

**Диссертациянинг 3.5. Ўрганилган гуруҳларда морфофункционал ва лаборатория кўрсаткичлари билан чап қоринчанинг деформацион хусусиятларини корреляцион таҳлил қилиш натижалари бобида** бир томирли атеросклеротик зарарланиш мавжуд гуруҳда ЧҚ миокардининг деформацион хусусиятлари ва ЧҚ функциясиснинг систолик кўрсаткичлари –

